**“Ҳудудгазтаъминот” АЖда коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда “корруциядан холи” муҳитни яратиш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича**

# ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Тақдим этиладиган ҳужжат | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар** | | | | | |
| **1.** | “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган хавф-хатарларини аниқлаш ва баҳолаш | “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалий тадбирларни ташкиллаштириш, шу жумладан:<br>коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик бўйича мунтазам равишда профилактик суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб бориш;<br>табиий ва суюлтирилган газ таъминоти соҳасида содир этилган коррупцияга оид жиноятлар ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;<br>“Ҳудудгазтаъминот” АЖ, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида ишлаётган мансабдор шахслар, уларни қўл остида ишлаб келаётган ходимлар ва фуқаролар ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ва бундай | Илмий-амалий тадқиқот | 2025 йил давомида | Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти соҳасида фаолият юритаёган бошқарма раҳбарлари<br><br>Газ таъминоти филиал раҳбарлари |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Тақдим этиладиган ҳужжат | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | муҳитни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш учун аҳоли ўртасида ижтимоий тармоқлар орқали аноним сўровномалар ўтказиш. | | | |
| **2.** | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида мавжуд соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупцияга оид нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида мавжуд соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ва уларда коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш мақсадида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, аниқланган коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш. | Таҳлилий маълумот, солиштирма жадвал | 2025 йил октябрь | Юридик бошқарма жамият бошқармалари, таркибий ва ҳудудий тузилмабошлиқлари |
| **3.** | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, унинг таркибий ва ҳудудий тузилма ходимларининг коррупцияга қарши курашиш йўналишлари бўйича малакасини ошириш | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, унинг таркибий ва ҳудудий тузилма ходимларининг касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича малакасини ошириш учун Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида ўқув курсларини мажбурий равишда ўташ тартибини жорий этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Жамият ходимлар бошқармаси, таркибий ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари |
| **4.** | Илғор хорижий тажрибалар асосида аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш соҳасида коррупцияга олиб келаётган омилларни аниқлаш ва ундан халос бўлишнинг чораларини кўриш. | 1. Хорижий давлатларда аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш соҳасида коррупцияга олиб келаётган омилларни (**непотизм, кронизм, фаворитизм, протекционизм ва бошқаларни**) аниқлаш, уларни бартараф этиш йўналишлари, шу жумладан коррупцияга қарши давлат дастурлари, стратегиялари, концепцияларида акс эттирилган чора-тадбирлар бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш.<br>2. Хорижий давлатларда Давлат хизматини ўташ, инсон ресурсларини бошқаришга қаратилган дастур, стратегияларда аҳолини табиий ва | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Табиий ва суюлтирилган газ таъминоти соҳасида фаолият юритаётган бошқарма раҳбарлари |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Тақдим этиладиган ҳужжат | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | суюлтирилган газ билан таъминлашда коррупцияни олдини олиш бўйича тажрибаларини ўрганиш. | | | |
| 5. | Табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш жараёнини шаффоф, очиқлик принципларини жорий этиш орқали такомиллаштириш | Табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш жараёнини шаффоф ва очиқлик принциплари асосида ташкил этиш, жумладан, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича амалдаги механизмларини танқидий кўриб чиқиш ва уларда коррупцияга оид хавф-хатарларни бартараф этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш бошқармалари ҳудудий бўлим бошлиқлари |
| 6. | Жамиятнинг алоқа каналлари орқали жисмоний ва юридик шахслардан коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича келиб тушган хабарларни ваколат доирасида ўрганиб чиқиш ва хизмат текшируви ўтказиш | Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларга алоқа каналлари орқали жисмоний ва юридик шахслардан коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича келиб тушган хабарларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Комплаенс назорат бошқармаси ва бошқа масъул бошқарма, бўлимлар |
| 7. | Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида фаолият юритаёган ишчи-ходимлар орасида коррупцияга “тоқатсизлик” принципини шакллантириш | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритаёган ҳуқуқтартибот идоралари ходимлари иштирокида семенар тренинг тадбирлари ўтказиш | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил июнь-октябрь | Комплаенс назорат бошқармаси ва бошқа масъул бошқарма, бўлимлар |
| **II. Жамият, унинг қуйи тизимларини автоматлаштириш ва замонавий ахборот технолигияларини қўллаш** | | | | | |
| 8. | Табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётган Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларидаги хизматларни автоматлаштириш | Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида табиий ва суюлтирилган газ таъминоти бўйича инсон омили иштирок этадиган мавжуд барча хизматларни ўрганиш, жумладан, коррупцияга оид хавф-хатарлар мавжуд хизматларни автоматлаштириш. Бунда хорижнинг илғор технологияларини қўллаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Жамиятнинг автоматлаштириш бошқармаси, ҳудудий бўлим бошлиқлари |
| 9. | Жамият маблағларидан | Жамият эҳтиёжлари учун харид қилинадиган | “Давлат | 2025 йил | “Комплектация” УК, |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Тақдим этиладиган ҳужжат | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | самарали ва мақсадли фойдаланиш, амалга ошириладиган харидларни шаффофлигини таъминлаш | барча товар моддий бойликлар ва моддий қийматликлари учун тегишли бошқарма ва бўлимларнинг буюртмаларини тақдим қилишни тартибга солиш ва электрон назорат тизими жорий этиш. Жамиятни йиллик товар моддий бойликларига бўлган эҳтиёжи руйхатини Жамият веб-сайтига жойлаштириб бориш. | харидлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни | давомида | бошқарма, бўлим ва ҳудудий бошқарма бошлиқлари |
| 10. | Коррупцияга қарши курашиш мақсадида табиий ва суюлтирилган газ таъминоти бўйича фаолият юритаётган Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари иш фаолиятининг шаффофлигини ошириш | Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари иш фаолияти тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш, шу жумладан:<br>Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларини иш жараёни юзасидан қисқа метражли видео роликлар тайёрлаш ва ОАВ орқали намойиш қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Жамиятдаги бошқарма бошлиқлари, таркибий ва ҳудудий тузилма бошлиқлари |
| 11. | Коррупция ҳолатларини олдини олиш бўйича ISO: 37001-2016 халқаро коррупцияга қарши кураш менежменти стандарт асосида ишларни ташкиллаштириш. | Жамият, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари иш фаолиятида давомида ҳужжатларни юритилишини текшириш ва ISO: 37001-2016 халқаро коррупцияга қарши кураш менежменти стандарт асосида юритилишини таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2025 йил июль | Жамиятдага бошқарма бошлиқлари, таркибий ва ҳудудий тузилма бошлиқлари |
| 12. | Табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашда масъул ходимлар томонидан ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган чора тадбирларни ташкиллаштириш. | Табиий ва суюлтирилган газни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган барча бўғинларда йўл қўйилаётган коррупция ҳолатларига шарт-шароит яратувчи омиллар ва хатарларни ўрганиш, аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда олдини олишга қаратилган чораларни мунтазам равишда кучайтириб бориш. | Ўзбекистон Республикаси Қонуни | 2025 йил декабрь | Жамиятдага бошқарма бошлиқлари, таркибий ва ҳудудий тузилма бошлиқлари |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Тақдим этиладиган ҳужжат | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **III. Жамият тизимида маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлаш** | | | | | |
| **13.** | Жамият маблағларини мақсадли сарфланишини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш чораларни кучайтириш мақсадида мунтазам равишда аудит текширишларини ўтказиш | Ички назорат ва аудит хизматининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:<br>ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан раҳбариятга тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;<br>бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда жамият бухгалтерияси ва тизимдаги мақсадли жамғармаларга методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;<br>техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда кўмаклашиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил февраль | Ички аудит хизмати |
| **14.** | Коррупцияга қарши кураш мақсадида жамият томонидан амалга ошириладиган ишлар ва тўловлар самарадорлигини мониторинг қилиш. | Жамият томонидан амалга ошириладиган ишлар ва тўловлар самарадорлигини мониторинг қилиш мақсадида товар ва ишларни сотиб олиш бўйича йиллик режани назорат қилиш. Режадан ортиқ товар ва ишларни сотиб харид қилишни олдини олиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Ички аудит хизмати<br>Бухгалтерия ҳисоби бошқармаси |
| **15.** | Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, ишга қабул қилиш, бўш иш ўринлари тўғрисидаги ва шу каби маълумотлар очиқ эълон қилинишини таъминлаш. | Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда тегишли ахборот воситаларида эълон бериб борилишини назорат қилиш.<br>Ходимларни танлаш ва ишга олиш жараёнини ички меъёрий ва қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилаётганлигини ўрганиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Ходимлар бошқармаси |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Тақдим этиладиган ҳужжат | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **16.** | “Ҳудудгазтаъминот” АЖда ўтказилаётган яхши таклифларни танлаш ва тендер жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш. | Ўтказилаётган яхши таклифларни танлаш ва тендер жараёнларида ўтказилишида қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2025 йил давомида | Харидлар трансформация офиси<br>“Ҳудудгаз Комплектация” УК |